*Ватан севмак иймондандур!*

# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обунанга 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 2 декабрь, чоршанба № 237 (21.335).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТРАНСПОРТ ҚУРИЛИШИ КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ҳудудида жойлашган транспорт қурилиши корхоналарини бошқариш тузилмасини янада такомиллаштириш, уларнинг Ўзбекистон халқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари мажмуини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссасини ошириш мақсадида:

1. Республика ҳудудида жойлашган транспорт қурилиши тизимидаги монтаж ва ихтисослаштирилган қурилиш, лойиҳа-қидирув, илмий-технологик, саноат ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотлар меҳнат жамоаларининг ихтиёрийлик асосида Ўзбекистон Давлат транспорт қурилиши корхоналари уюшмаси — «Ўзбектрансқурилиш»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбектрансқурилиш» уюшмаси:

Юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик уюшмаси ҳисобланади ва шартнома асосларида давлат, ижара, акционерлик, жамоа ва бошқа корхоналарни бирлаштиради ҳамда ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда муассислар йиғилиши тасдиқлайдиган уюшма Устави асосида амалга оширади;

муассислар бериб қўйган ҳуқуқларни ҳисобга олиб молиявий-иқтисодий, хўжалик ва ижтимоий фаолият борасидаги масалаларни мустақил ҳал қилади, уюшма кенгашининг қарорига биноан марказлаштирилган суғурта, заҳира жамғармалари ва бошқа жамғармаларни ташкил этади;

республиканинг амалдаги қонунларига мувофиқ уюшма таркибига кирувчи трестлар, корхоналар ва ташкилотларнинг давлат мулкини бошқаради, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқликни ва меҳнат жамоаларининг манфаатларини эътиборга олиб, транспорт қурилиши давлат корхоналари ва ташкилотларини бошқача мулкчилик шаклларига айлантириш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритади.

2. Ўзбекистон Давлат транспорт қурилиши корхоналари уюшмаси «Ўзбектрансқурилиш» фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгилансин:

Темирйўл транспорти, фуқаро авиацияси иншоотларини, асосий автомобиль йўлларини, метрополитенни, тонеллар, кўприкларни лойиҳалаш, қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш ва техника билан қайта қуроллантириш, ижтимоий соҳага оид ва бошқа масалалар ҳар томонлама ҳал этилишини таъминлаш;

Уюшмага кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш. Бозор муносабатларига ўтишда уюшма қатнашчиларига кўмаклашиш, маслаҳат, ташкилий-услубий, ҳуқуқий, муҳандислик, ахборот ҳамда бошқа хизмат турлари билан таъминлаш, хорижий шериклар билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш;

Ягона илмий-техникавий сиёсатни ўтказиш, транспорт иншоотларини лойиҳалаш ҳамда қуриш масалаларида бошқа давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш;

маҳсулот етказиб берувчилар билан узоқ муддатли алоқалар ўрнатишга доир ташкилий тадбирларни амалга ошириш, республиканинг энг муҳим халқ хўжалик иншоотлари қурилишини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чоратадбирларни кўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1992 йил 1 декабрь.

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

**● Нукусда бўлиб ўтган Қорақалпоғистон республикаси фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли ўзгартириш ва қўшимчалари киритилган лойиҳаси муҳокама қилинди. Бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Ў. Аширбеков маъруза этди.**

Маърузачи ва музокараларда сўзга чиққан нотиқлар республикамизнинг мустақиллиги туфайли эришилган ҳозирги Ўзбекистон Республикасининг конституцияси лойиҳасини асосан маъқулладилар ва айрим қўшимчалар, ўзгартиришлар киритишни таклиф этдилар.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди ва нутқ сўзлади. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси Р. Йўлдошев, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республикаси кенгашининг биринчи котиби А. Х. Асанов ўртоқлар қатнашдилар.

● ● ●

**● Гулистонда 1 декабрь куни Сирдарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси якунларига доир масала кўриб чиқилди. Вилоят ҳокими Б. Маҳмудов маъруза қилди.

Маърузачи ҳамда музокарада сўзга чиққан ўртоқлар вилоят меҳнат жамоаларида, барча жойларда Конституция лойиҳаси муҳокамаси қизғин ўтганлигини таъкидладилар ҳамда кўрилаётган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қўмитаси раиси Ғ. Заҳриддинов иштирок этдилар.

Фаоллар йиғилишида кўрилган масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Р. ЕШИМБЕТОВ, А. УМАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ФРАНЦУЗ ҲУҚУҚШУНОСИНИНГ НАЗАРИДА

**Яқинда Парижда бўлган пайтимда таниқли француз ҳуқуқшунос олими, «Париж—1» университети халқ ҳуқуқи профессори Мишель Лесаж билан учрашдим. М. Лесаж — қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар институти директори ҳамда Шарқий Европа мамлакатлари ва собиқ СССР снёсий муассасалари бўйича мутахассиси. Кейинги вақтларда М. Лесаж Европа кенгашининг эксперти сифатида иш кўриб, шу пайтгача Россия, Қирғизистон конституцияларининг лойиҳаларини таҳлил этди, Киевда ижроия ҳокимиятни ташкил этиш, унинг қонун чиқарувчи ҳокимият билан ўзаро алоқаси масалалари юзасидан маслаҳат берди. Хуллас, у ниҳоятда билимдон ва МДҲдаги ишларнинг аҳволидан хабардор одам. У ёш мустақил давлатлардаги қонунларнинг ўзгаришини синчиклаб кузатиб турибди.**

Профессор М. Лесаж бизнинг конституциямиз лойиҳаси тўғрисидаги фикрларини баҳам кўришга бажонидил рози бўлди.

**А. САИДОВ: Профессор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси тўғрисидаги умумий таассуротингиз қандай?**

**М. ЛЕСАЖ:** Менга лойиҳанинг аввало қисқалиги ва лўндалиги ёқди. Давлат асосий қонунининг айни мана шундай сифати барча фуқароларга фуқаролик жамиятининг асосий конституциявий қоидаларини тушуниш ва ўзлаштириб олиш имконини беради. Лойиҳа муаллифлари хорижий конституция тажрибасини батафсил ўрганиб, ўқиб олганликлари кўриниб турибди. Шу муносабат билан француз конституциявий ҳуқуқининг таъсирини ҳам лойиҳада кўриш менга ёқимли бўлди.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлиб олгач, жаҳон ҳамжамиятида тобора дадил ўзига муносиб ўрин олмоқда. Шу боисдан Конституция лойиҳасининг муқаддимасида халқаро ҳуқуқни умум эътироф этган меъёрлари устиворлиги тан олиниши мутлақо тўғридир.

Конституция атамаларидаги янгиликлар кўзга ташланади. Мен ўзбек тилини билмайман. Аммо Ўзбекистоннинг аввалги Конституцияларини ҳам рус тилида ўқиган эдим. Давлат идораларининг ва лавозимларнинг номлари фақат рус тилида берилар эди. Улардан фарқли ўлароқ олий вакиллик органининг номи ўзбекларнинг давлат анъаналари руҳида «Олий мажлис» деб аталибди. Бу — жуда тўғри. Бутун дунёда парламентларнинг номлари ўз тилида: конгресс, риксдаг, мажлис, хурал, кнессет ва ҳоказо тарзида берилади. «Ҳоким» атамаси ҳам яхши, бу мисоллар ўз тилига, анъаналарига ҳурмат билан қаралаётганини кўрсатади.

Менинг асосий хулосам шуки, Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳаси жаҳон андозалари даражасида тайёрланган.

Аммо мен мутахассис бўлганим учун ўз истакларимни айтиб ўтишим керак. Буларнинг ҳаммаси— менинг шахсий фикрим. Хоҳланг эътиборга олинг, хоҳланг олманг.

**Жаҳонга машҳур ҳуқуқшунослик маркази — Франция «Қиёсий қонуншунослик жамияти» ўзбекистонлик профессор Акмал Саидовни хорижий аъзо этиб сайлади. Шу муносабат билан яқинда олим Парижга бориб, маъруза қилди. Бу воқеа ҳуқуқшунос олим А. Саидовнинг халқаро миқёсда иккинчи бор тан олиниши бўлди. 1990 йилда у Осиё ва Тинч океан минтақаси ҳуқуқшунослари халқаро уюшмасининг якка аъзоси қилиб сайланган эди.**

**А. САИДОВ: Бу ўринда сиз нималарга алоҳида эътибор бердингиз?**

**М. ЛЕСАЖ:** Ҳар бир давлатнинг Конституцияси давлат ҳокимиятини уюштиришнинг асосий қоидаларини, яъни ваколатларни турли давлат идоралари ўртасида қандай тақсимлашни таърифлаб бериши лозим. Мамлакатингизнинг асосий қонуни лойиҳасида «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиш қоидасига асосланади» (11-модда) деб тўғри таъкидланган. Француз маърифатпарвари Шарль Луи Монтескьенинг бу ғоясини амалга ошириш учун кўп мамлакатларда неча ўн йилликлар керак бўлди.

Сизнинг конституциянгиз қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг ўзаро муносабатлари конституциявий ҳуқуқий асосларини яратиб бериши керак. Унда парламентингиз — Олий мажлис давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берици (дарвоқе, 77-модданинг 7-банди учинчи банд қилиб жойлаштирилиши жоиз эди) ва парламентнинг умумий назоратини ташкил этиши лозим. Аммо бундан Олий мажлис ижроия ҳокимиятнинг ишларига аралашаверади, деган маъно асло келиб чиқмайди. Парламент ижроия ҳокимиятнинг ваколатларига даҳлдор бўлган қарорларни қабул қилмаслиги керак.

Бу фикримни бир мисол билан тушунтириб берай. Ўзбекистон Президентининг Вазирликлар, Давлат комитетлари ва давлат бошқаруви бошқа идораларини тузиш ҳамда тугатиш ҳақидаги Фармонларини нега Олий мажлис тасдиқлаши керак (77-модданинг 19-банди)? Шу модданинг 3-бандига биноан Олий мажлис қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари идоралари тизимини ҳамда ваколатларини белгилаб беради. Президентнинг ижро этувчи ҳокимият идораларини тузиш тўғрисидаги Фармонлари Олий мажлис томонидан тасдиқланиши эса ҳокимиятларни тақсимлаш қоидасига зиддир. Депутатлар ижро этувчи ҳокимиятнинг сиёсатини назорат қилишлари керак эмас. Ижроия идораларнинг иши ички ташкил этилиши, шу жумладан вазирликлар ва давлат комитетларини тузиш — ижро этувчи ҳокимиятнинг ишидир.

Конституция ижро этувчи ҳокимиятнинг самарали ишлаши учун барча зарур ҳуқуқий асосларни яратиб бериши лозим. Иттифоқ барбод бўлиб, қарор топган иқтисодий алоқалар бузилган ва узилган, собиқ СССРнинг турли минтақаларида беқарорлик ҳукм сураётган шароитда кучли ижро этувчи ҳокимиятга, қатъий ҳуқуқий тартибга эга бўлиш керак.

Конституция — Асосий қонун — давлат ҳокимиятини уюштириш ва рўёбга чиқариш қуроли бўлиб, давлат сиёсатнинг умумий йўналишларида ҳокимият турли тармоқлари ўртасидаги яқдилликни таъминлаши керак.

(Давоми 2-бетда).

*• Ўзбекистон шаҳарлари •*

## I. УРГУТ— ЭРТАКЛАРДАГИ ШАҲАР



*• Шарқ дарвозалари~Шарқнинг юраги*
*• Ургутга мамлакат Президенти ташриф буюрди...*
*• Районда йиллик даромад~7,5.000.000.000!*

### УРГУТНИНГ ЖУҒРОФИЙ БЕЛГИЛАРИ

**● Ургут Самарқанд вилоятининг райони. У 1926 йил 26 сентябрда ташкил топган. Шимолдан Зарафшон дарёси орқали Булунғур, шимоли-шарқдан Самарқанд райони, шарқдан Тожикистон, жанубдан Қашқадарё билан чегарадош. Майдони 1120 кв. километр. Аҳолиси 300 минг кишига яқин.**

**Бу масканда ўзбеклар, тожиклар, руслар, татарлар ва бошқа ўнлаб миллат вакиллари яшайди.**



**● СУРАТЛАРДА: 1. Район ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати Ўлмас МАҲАМАДМУРОТОВ (ўнгда) ва ҳоким ўринбосари Мунаввар Ўрунова (чапда). 2. Умумхалқ қурилиши сардорларидан—нуроний отахонлар Уроқ Мирзаев ва Жамол Шарипов. 3. Шаҳар марказидан бир кўриниш.**



**Шарқнинг ўзига хос белгиларидан бири — унинг бетакрор дарвозаларидир. Шарқда уйни дарвозадан бошланади деб биладилар. Уй кўтарилмай туриб, дарвоза ишланади. Дарвозага қараб эса уй тикланади.**

Азиз меҳмонни дарвоза олдида кутиб олиб, дарвоза олдида кузатиш шарқона удумлар сарасига киради. Дарвозада уй эгасининг қалби, ички дунёси акс этади деган ҳикмат ҳам бор. Лекин, биз, кўп қаватли уйлар ва ундан ҳам кўп қаватли панжараларга бурканган шаҳарликларнинг қалби нимада акс этади? Биз, аждодларимизни қумсагандек, дарвозаларни ҳам қумсаб ўтамизми? Йўқ, давр бизга хайратни мўл қолдирган. Дарвозаларнинг нақшинкор юзида боболарнинг аксини кўрамиз. Ҳар бир ўзбек дарвозага

(Давоми учинчи бетда).



# ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ФРАНЦУЗ ҲУҚУҚШУНОСИНИНГ НАЗАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

**А. САИДОВ: Сиз қонун чиқарувчи идорамизнинг номи ва унинг давлат тизимидаги алоҳида мавқеи ҳақида ўз фикрингизни айтдингиз. Энди Ўзбекистон парламентининг назарда тутилаётган ваколатлари ҳақида қандай фикрдасиз?**

**М. ЛЕСАЖ**. Лойиҳада парламент фаолиятининг асосий соҳалари қамраб олинган. Баъзи мулоҳазаларим бор. Қонунларнинг ижроси устидан парламент назоратини ушлаш Олий мажлис раисининг вазифаси эмас, балки Олий мажлис комитетларининг вазифасидир (84-модда). Шу моддаларнинг ўзига парламентнинг матбуот нашрлари, уларнинг муҳаррирлари ҳақидаги моддани киритиш жоизмикан? Буларнинг қаммасини Олий мажлиснинг иш тартибига киритса бўлади. Дарвоқе, дунёдаги кўпгина давлатлар ўзларининг матбуот нашрларига эга эмас, улар фақат журналга ўхшаш расмий нашрни чиқариб, унда қабул этилган қонунларни эълон қиладилар.

**А. САИДОВ: Профессор, сизнинг назарингизда, лойиҳанинг қайси моддаларида француз Конституция тажрибаси эътиборга олинган?**

**М. ЛЕСАЖ**: Аввало ижро этувчи ҳокимиятни ташкил этишда эътиборга олинган. Ўзбекистон 1990 йилнинг мартидаёқ иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб Президент лавозими таъсис этганидан хабардорман. Менинг назаримда лойиҳада Ўзбекистоннинг Президент бошқаруви усулига оид ўз йўли мустаҳкамлаб берилган. Бунда чет эл, аввало Франция тажрибаси ҳисобга олинган. Ҳозирги бешинчи республика — Францияда ижро этувчи ҳокимиятнинг ташкил этилиши ҳақида бир-икки оғиз гапирмоқчиман. Франциянинг Президенти ва Бош вазири бор. Ижро этувчи ҳокимиятнинг икки поғонаси вужудга келтирилган. Бу поғоналарнинг қарама-қаршилигига эмас, балки ҳамкорлигига ва Президент билан ҳукумат ҳаракатларининг мувофиқлашувига интилмоқ керак. Францияда бунга Президентнинг Вазирлар маҳкамаси мажлисларида раислик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги конституциявий қоида билан эришилади. Шу муносабат билан, менинг назаримда, лойиҳанинг 97-моддасига «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вазирлар маҳкамасининг мажлисларида раислик қилиши мумкин» деган қоидани қўшиб қўйилиши мақбул бўлур эди. Бунда мен Президент доимо вазирлар маҳкамасининг мажлисларида раислик қилиши керак, демоқчи эмасман, албатта. Йўқ. Президент ўз хоҳишига кўра, башарти, муҳокама қилинадиган масалаларни муҳим деб ҳисобласа, раислик қилиши мумкин. Бошқа ҳолларда Вазирлар маҳкамасининг мажлисларига Бош вазир раҳбарлик қилиши мумкин. Бу — Вазирлар маҳкамасига Президент томонидан раҳбарлик қилишнинг яхши усули эканини Франциянинг тажрибаси кўрсатиб турибди.

**А. САИДОВ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг лойиҳада кўзда тутилган конституциявий мақоми ҳақида нима дея оласиз?**

**М. ЛЕСАЖ**: Президент — давлатдаги асосий арбоб. У — давлат бошлиғи, миллатнинг тимсоли, фуқаролар хавфсизлигининг кафилидир. Шу сабабли лойиҳада Президентга кенг ваколатлар берилиши тўғри. Шу муносабат билан мен лойиҳанинг 92-моддасини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу — жуда муҳим модда.

**А. САИДОВ: Ҳа, бу модда президентнинг парламент таркибида унинг бемалол ишлай олишини хавф остига қўядиган, бартараф этиб бўлмайдиган ихтилофлар чиққан тақдирда Олий мажлисни тарқатиб юбориш ҳуқуқига бағишланган. Бу модда ҳақида турли фикрлар билдирилди. Баъзилар, Президент Олий мажлисни тарқатиб юбормаслиги керак, деб ҳисобламоқдалар. Гўё бу нарса халқ вакиллиги қондасига зид келар эмиш. Бу фикрга қандай қарайсиз?**

**М. ЛЕСАЖ**: Ўзбекистон МДҲ доирасида бундай моддани Конституцияга киритишни биринчи бўлиб лойиҳалаштирмоқда. Буни мен яхши ва тўғри деб ҳисоблайман. Франция 100 йил давомида, ҳозир амалда бўлган 1958 йилги Конституция қабул этилгунига қадар бундай моддага эга бўла олмади. Бунинг сабаби нима, деб сўрарсиз. Бу саволга шундай жавоб қайтараман: Президентга парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқи берилишига қарши бўлган кишилар буни вакиллик ҳокимиятига тажовуз деб ҳисоблаб келган эдилар. Улар парламентни тарқатиб юборишнинг ўзи қонун чиқарувчи органнинг ичида ёки қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида, ё бўлмаса қонун чиқарувчи идора билан халқ ўртасида низо чиққан ҳолларда бу масалани халқнинг ўзи ҳал этиш ҳуқуқининг ифодаси эканини тушунишни истамадилар. Бу — халқ вакиллиги қоидалари ва анъаналарига тўлатўкис мос келади.

**А. САИДОВ: Сизнинг фикрингизни ривожлантирмоқчиман. Дарҳақиқат, Президент бутун халқ томонидан сайланган ва халқ номидан иш кўриш учун конституциявий ҳуқуқа эга бўлган давлат бошлиғи сифатида (10-модда) парламентни тарқатиб юбориши мумкин.**

**Биздаги бир қанча ҳуқуқшунос ва жамиятшунос арбоблар Президент бошқарув усули импичмент (парламентда ишончсизлик билдириш ва истеъфога чиқариш) тартиб қоидасини ҳам назарда тутади, деб ҳисобламоқдалар. Бунга нима дейсиз?**

**М. ЛЕСАЖ**: Мен парламентнинг ҳар бир мажлисида унинг аъзолари президентни истеъфога чиқариш билан дўқ уришига қаршиман. Сирасини айтганда Ғарбий Европада импичмент унчалик самара бермаяпти. Назаримда, Конституцияда, Президентнигина эмас, балки Вазирлар маҳкамасининг ялпи масъулияти ҳақидаги қоидани мустаҳкамлаб қўйиш муҳимроқдир. Бунда парламент Президентга бевосита эмас, балки Вазирлар маҳкамасининг сиёсатини парламент йўли билан назорат қилиш орқали таъсир ўтказиши мумкин. Бу — Президентнинг давлат обрў-эътиборини муҳофаза қилишнинг муҳим усулларидан бири бўлур эди. Президент ваколатли давлат бошлиғи бўлиш учун барқарор ва етарли ҳуқуқларга эга бўлиши керак.

Парламент Президентга зарур ҳолларда парламентнинг ўз ваколатига кирувчи меъёрий ҳужжатларни зудлик билан қабул этиш ҳуқуқини бериши керак. Унинг икки шарти бор. Биринчиси: парламент Президент қайси соҳаларда шошилинч равишда фармон қабул этиши ва Бу Фармонни қабул қилиш муддатини аниқлаб бериши керак. Иккинчиси: Сўнгра парламент Президентнинг мана шу Фармонини тасдиқлаши лозим.

**М. ЛЕСАЖ**: Ҳа, мен бунга эътибор бердим. Мен 74-моддага битта қўшимча киритишни тавсия этган бўлур эдим. Чунончи, «Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида» деган сўзлар қўшилса яхши бўлур эди. Мен буни жуда муҳим деб ҳисоблайман. Чунки ҳар қандай шартнома ва битимлар Ўзбекистон Конституциясига зид бўлмаслиги керак. Бу эса, ўз навбатида, ягона конституциявий қонунийликни таъминлайди.

67-моддани қуйидаги таҳрирда бошлаш мақсадга мувофиқдир: «Ўзбекистон Республикасида вилоятлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар мавжуд. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради».

**А. САИДОВ: Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши ҳар қандай жамият халқчиллигининг мезонларидан биридир. Лойиҳада ҳам фуқароларнинг конституциявий мақомига катта ўрин берилган. Лойиҳанинг иккинчи бўлими ҳақида қандай фикрдасиз?**

**М. ЛЕСАЖ**: Бўлим лўнда, яхши ёзилган. Унда инсоннинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи асосий қоидалар таърифланган. Хулласи, бўлим инсон ҳуқуқларига оид халқаро андозаларга тўла мос келади.

Бу бўлимнинг икки моддаси хусусида иккита мулоҳазам бор. Биринчи мулоҳаза банкдаги омонатлар сирини кафолатлайдиган 36-модда хусусида. Бу — яхши қоида. Бироқ, агар инсон ғайриқонуний йўл билан, масалан, наркотик моддалар ёки қурол сотиш орқали орттирилган сармояга эга бўлса, бундай ҳолатда сирни кафолатлаш ҳаққоний иш бўлармикан? Ўйлаб кўриш керак. Иккинчи мулоҳаза «малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи» эълон қилинган 40-модда ҳақида. Мен «малакали» сўзи олиб ташланиши керак, деб ҳисоблайман. Имкониятларни шароитга қараб баҳолаш керак. Сизларда барча фуқаролар учун мана шундай имконият билан шароит борми?

Лойиҳанинг бир неча моддасида давлат билан диннинг ўзаро муносабати турли жиҳатлардан аниқ таърифланган. Дин эркинлиги қоидаси замонавий талабларга мувофиқ акс эттирилган. Давлат тараққиётининг дунёвий йўли қоидаси ҳам демократиянинг руҳи ва талабларига мос келади.

Гарчи, суд ишлари юритиладиган тил ҳақидаги 115-модда судлов тизимига бағишланган бобга жойлаштирган бўлса ҳам, у инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эгадир. Бу модда эски конституция анъанаси руҳида берилган. Уни Ўзбекистоннинг Давлат тили тўғрисидаги қонунга мувофиқ ҳолда таърифлаш керак эди. Чунки бу қонунда ҳам суд ишлари юритиладиган тил тўғрисида модда бор.

Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан 82-моддада жуда муҳим меъёр белгилаб берилган. Дарҳақиқат, қонунларнинг эълон қилиниши уларни қўллашнинг мажбурий шартидир. Мен учун бу — ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг асосий шартидир.

Профессор М. Лесаж суҳбатимизни умумлаштириб, қуйидагиларни таъкидлади: «Мураккаб ўтиш даврларида асрларга мўлжалланган Конституцияни тузиб бўлмайди. Асосий қоидалар ва масалаларни ҳал қилиш керак. Ўзбекистондаги вазиятда тангликдан қутилишнинг конституциявий йўлларини таъминлайдиган ҳамда жамиятга ҳуқуқ ва қонунийлик негизида халқчил тузум сари бориш имконини берадиган қатъий ҳуқуқий тартиб керак.

Сизларнинг лойиҳангизда бунинг учун ҳамма зарур асосий шарт-шароитлар бор. Ўзбекистон фуқароларига лойиҳани муҳокама қилишда, узил-кесил пухта ишлаб чиқишда, қабул этишда ва энг муҳими конституция меъёрлари ва руҳини кундалик турмушга тадбиқ этишда муваффақиятлар тилайман».

**А. САИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Конституциявий Комиссиясининг аъзоси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори.**

# ЙИЛЛИК РЕЖАДАН ОШИБ

**● Гурлан райони шоликорлари бу йилги мавсумда катта меҳнат зафарига эришдилар. Давлатга сотилган шоли 26 минг тоннани ташкил этди.**

Шоликорлар олган даромад 3 миллион сўмдан ошиб кетди. Давлатга тағин минг тонна шоли сотишга азим этган район хўжаликларининг сабзавот, чорва ва бошқа тармоқлари жамоалари ҳам давлатга маҳсулот сотиш юзасидан белгиланган йиллик режаларини ошириб адо этишди.

**Эркин МАДРАҲИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*• Мухбир муаммо қўяди*

# БИЗ КАРТОШКА ЕМАЙМИЗМИ?

**● Картошкани иккинчи нон дейишади. Чиндан ҳам шундай. Усиз қозон қайнамайди. Афсуски, бугунги кунда у тақчил маҳсулотлар қаторидан ўрин олиб, бозорларда баҳоси кўтарилиб кетди. Унинг бир килоси нархи йигирма сўмдан ўттиз сўмгача етди. Қашқадарё вилоятининг айрим шаҳар ва районларида бу кўрсаткич янада баланд.**

Аслида картошкага бўлган эҳтиёж бошқа минтақалардан олиб келиш ҳисобига қондирилмоқда. Аммо, четдан келтириладиган картошка фонди бу йил 1,6 марта камайиб кетди. Харажат сарфлари эса тобора ошаётир. «Олма пиш — оғзимга туш» дея қараб турилаверса, осмондан чалпак ёғилмайди, албатта. Бу ҳақда жиддий ўйлаш вақти келди. Бу тармоқни ривожлантириш учун таъсирчан чоралар кўришни қаёт тақозо этмоқда.

Вилоятда картошка етиштириш имкониятлари етарли. Районлашган эртаги навлар экиш эвазига Шаҳрисабз районидаги Карл Маркс номли, Китоб районидаги Навоий номли, «Китоб», Қарши районидаги «Буюк ипак йўли» давлат хўжаликлари ҳар гектар ердан 150 — 170 центнердан картошка олишмоқда. Вилоятнинг бошқа жойларида эса ҳосилдорлик пастлигича қолаётир. Айниқса, Яккабоғ, Чироқчи, Косон, Нишон, Касби, Усмон Юсупов, Муборак, Қамаши районларида кўзланган натижаларга эришилмаяпти. Кўтарилаётган ҳосил гектарига 35—40 центнердан ошмайди.

Юқори ҳосил олиш районлаштирилган навларга, сифатли уруғлик билан таъминлашга боғлиқ. Бироқ кўп уринишларга қарамай ҳозиргача вилоят колхоз ва совхозларида картошканинг уруғлик базаси яратилгани йўқ. Тўғри, вилоятда «Узсортсемовош» бирлашмасига қарашли сабзавот, полиз экинлари ва картошка уруғини етиштиришга ихтисослашган тўртта давлат хўжалиги бор. Уларнинг ташкил қилинганига ўн йилдан ошди. Аммо, бу хўжаликлар уруғлик картошка етиштириш билан ҳанузгача астойдил шуғулланишга киришганлари йўқ.

Кўп ҳолларда уруғлик картошка четдан олиб келтириляпти. Улар республикамизда районлаштирилмаган. Касалликка чидамсиз. Бунинг устига четдан ташишдаги харажатлар — транспорт, ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи ҳисобга олинадиган бўлса, картошканинг нархи осмонга сапчимоқда. Четдан келтирилган уруғликни узоқ сақлаб бўлмайди. Чунки совутгичлар унчалик яроқли эмас. Уруғлик сақланадиган омборхоналар жиҳозланмаган.

— Умуман, уруғлик картошкани ўзимизда етиштиришимиз керак, — дейди вилоят агросаноат уюшмаси раиси Очил Гулов. — Шу мақсадда биз уч-тўрт хўжаликни картошкачиликка ихтисослаштиришга ёрдам беришни сўраб вилоят ҳокимлигига мурожаат этдик. Жумладан, Шаҳрисабз районидаги Карл Маркс номли давлат хўжалигида 1 минг гектар, Яккабоғ районидаги «Қизилсув» хўжалигида 1 минг гектар, Қарши районидаги «Буюк ипак йўли» қўриқ хўжалигида 500 гектар ерда уруғлик картошка етиштириш йўлга қўйилса, айни муддао бўлур эди. Биз ўйлаймизки, таклифимиз амалга ошади.

— Вилоят бўйича уруғлик картошка етиштириш муаммосини ҳал этиш имконияти борми?

— Албатта бор, — дейди биз билан суҳбатда вилоят мевасабзавот ва узумчилик саноати бирлашмаси бош директори ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Тўра Шовруқов. — Масалан, Шаҳрисабз районидаги Карл Маркс номли совхозни олайлик. Картошка етиштиришда бу хўжаликнинг тупроқ-иқлим шароити жуда қулай. Ери унумдор. Сув ҳам етарли. Кўп йиллардан бери ўзини-ўзи уруғлик картошка билан таъминлаб келаяпти. Кейинги тўрт йил мобайнида бошқа хўжаликларни ҳам сифатли уруғлик билан таъминлаётир. Қани энди ҳамма колхоз ва совхозларда ҳам шундай иш тутилса...

Карл Маркс номли давлат хўжалигида асосан картошканинг районлаштирилган навлари етиштириляпти. Ҳосилдорлик ҳар йили юқори бўлаётганлиги учун даромад ҳам ёмон эмас. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, вилоятнинг тоғолди Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ районларида юқори сифатли уруғлик картошка етиштирса бўлади. Шундагина бозорларимиз картошкага тўлади. Маҳсулот кўпайса, арзончилик бўлиши ўз-ўзидан равшан.

Энди ҳамма гап амалий ишга ўтишда қолган. Бунинг учун қатъиятлилик кўрсатиш, халқ олдидаги масъулиятни чуқурроқ англамоқ даркор.

**Мусо КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ДУНЁ ОВОЗИ

### ХЕЛЬСИНКИДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

**● Финляндияда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунлари чоғида ижодий гуруҳларни иккала мамлакатлар бўйлаб сафарларини уюштириш ҳақидаги шартномага қўл қўйилди.**

Республикамизнинг халқ ёзувчилари, мусаввирлари ҳамда «Баҳор» давлат ансамблининг рақкосалари Финляндиядаги маданият кунларида иштирок этишди.

Хельсинки шаҳрида Ўзбекистон китоб нашриёти маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Уч тилда — ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган бадиий ва ҳужжатли адабиётлар намойиш этилди. Бу китоблар Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги куни ҳақида ҳикоя қилади.

### ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

**● Европа тиклаш ва тараққиёт банкининг президенти Жак Аттали қадимий Хоразм билан танишди.**

Хоразм вилояти ҳокимиятида самимий суҳбат бўлиб ўтди. Шундан сўнг меҳмон Урганч ва Хеванинг машҳур меъморчилик обидаларини кўздан кечирди.

Сайру саёҳатни ривожлантириш учун Хеванинг имкониятлари жуда катта экан, деди меҳмон саёҳат чоғида. Бу ишда Европа Тиклаш ва тараққиёт банки шаҳарга ёрдам бериши мумкин бўлур эди.

Вилоят бўйлаб сафарда Ж. Атталига Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов ва Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов ҳамроҳ бўлди.

Жак Аттали шунингдек, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ҳам бўлди. У бу шаҳарларда Шарқнинг қадимий меъморчилик обидаларини кўздан кечирди.

### ЁДГОРЛИКЛАРНИ БУЗИБ ТАШЛАШДИ

**● Ҳали полицияга маълум бўлмаган безорилар совет ҳарбийлари қабристонига нисбатан яна бир ножўя иш қилдилар.**

Куни кеча улар тунда Улуғ Ватан уруши тугашига яқин Берлин остонасида ҳалоқ бўлган жангчилар дафн этилган Подстамдаги қабристонда ўрнатилган тўртта ёдгорликни бузиб ташлашди.

### ЎТА ОҒИР ШАРОИТЛАРДА КУН КЕЧИРИШЯПТИ

**● «Пэтриот» газетасининг меҳнат вазирлиги тадқиқотларига асосланиб хабар беришича Ҳиндистонда беш ёшдан 15 ёшгача бўлган 44 миллион қиз ва ўғил бола кун кўриш учун ишлашга мажбур бўлаётир.**

Ишга ёлловчилар мавжуд қонунларнинг мукаммаллигидан фойдаланишяпти. Болалар 10—12 соатлаб ишлашга мажбур бўлишмоқда.

Сирдарё вилояти Боёвут районидаги «Ғалаба» давлат хўжалигининг Худойберди Ғознев бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил ҳар гектар майдондан 23 центнердан пахта етиштириб, йиллик режани уддалашди. Миришкорлар айни кунларда ҳосилдан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорламоқдалар.

Суратда: бригада бошлиғи Худойберди Ғознев.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

*• Мутахассис мулоҳазаси*

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

**Маълумки, шу йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов фармонига мувофиқ республика давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси ташкил этилганди. Ушбу қўмита ўтган давр мобайнида шаклланиб, бир қатор тадбирларни амалга оширди. Республикада уй-жойларни, савдо, маҳаллий саноат, маиший хизмат объектларини, кичик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бошлаб юборилди.**

Айни пайтда қишлоқ хўжалигида ҳам бундай тадбирларни яқин келажакда амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Тўғри, биз учун мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш олий мақсад эмас. Мақсад—унумли ишлаш, маҳсулотни кўпайтириш, юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришиш, энг муҳими—эркин ва мустақил ишлашга кенг йўл очишдан иборат.

Деҳқончилик саноат мажмуининг ишлаб чиқариш корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва мулкни хусусийлаштиришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бу ишни етти ўлчаб бир кесган ҳолда амалга ошириш керак. Бунда жамоа ёки айрим шахс томонидан хўжалик юритиш шакллари ва мулкни ислоҳ қилиш муддатлари, усуллари эркин танланиши лозим. Шундай қилинганда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг шошма-шошарлик билан мажбуран қайта ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

Биласиз, Ўзбекистон халқ хўжалиги, шу жумладан қишлоқ хўжалиги кўп укладли иқтисодиётга ўтиб бормоқда. Мулкчиликнинг ва хўжалик юритишнинг муқобил шакллари таркиб топаяпти, эркин товар ишлаб чиқарувчилар пайдо бўлаётир. Хўжалик алоқаларида маъмурий-буйруқбозлик ўрнини ўзаро манфаатли шартномавий-муносабатлар ва бошқа тенглиқ асосида қурилган алоқалар эгалламоқда. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги бозор муносабатларига босқичма-босқич, аммо ишончли равишда ўтиб боряпти. Чунки амалдаги иқтисодий тузумни йўқ қилиш, янгисини ҳамма жойда бирдан жорий этиш мушкул кечаётир.

Қишлоқ хўжалигида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида жамоа ва давлат хўжаликлари билан бирга, хусусийлаштиришнинг жамоа ва оила ижараси, ривожланган шахсий томорқа хўжалиги, фермер хўжалиги, ширкатлар ва уюшмалар ҳамда бошқа шакллари ҳаракат қилади. Лекин моддий бойлик яратишда асосан жамоа ва давлат хўжаликлари бош вазифани бажариб туради.

Иккинчи босқичда эса давлат тасарруфидан чиқариш ва мулкни хусусийлаштириш асосида қуйидаги ишлаб чиқариш шакллари ташкил топиб ривожланиши мумкин: кооператив корхоналар, деҳқон (фермер) хўжаликлари, кичик корхоналар, бирлашмалар, уюшмалар, консорциумлар, уларнинг аралаш турлари (давлат-кооператив), акционерлик корхоналари ва чекланган жавобгарликдаги жамиятлар бўлади. Шу билан бирга соф давлат тасарруфидаги корхоналар ҳам фаолият кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари мулкни хусусийлаштиришнинг аралаш шакли қўлланилиши кўзда тутилган. Яъни, мулкнинг бир қисми сотилади, қолган қисми текинга берилади. Мулк сотиладиган бўлса, ким ошди савдоси (аукцион) ёки танловлар орқали амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан истеъмолчилар ва қайта ишлаш саноати ўртасидаги мутаносиблик кескин узилиб қолмаслиги шунингдек, давлат ва жамоа хўжалиги раҳбарлари ҳамда унинг аъзоларига бирданига эркинлик бериб, ошириб қўймаслик мақсадида хўжаликларга берилади давлат буюртмаларининг ҳажми аста-секин камайтириб борилади. Дейлик, ҳозирги пайтда кўпчилик давлат ва жамоа хўжаликларида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг ўн ва ундан зиёд тури бўйича давлат буюртмаси берилган. Кейинчалик хўжаликлар давлат буюртмасини бажаришдан ва бошқа ҳукмронлик талабларидан аста-секинлик билан халос этилади. Бунда биринчи йили маҳсулот бўйича давлат буюртмасининг 20 фоизини, иккинчи йили 40, учинчи йили 60 фоизини қисқартирилиши ва шу тариқа тўлиқ эркинликка чиқарилиши кўзда тутилади.

Маълумки, шахсий ёрдамчи хўжаликлар илгари ҳам бозорларимизни мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириб келишган. Эндиликда бундай ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш бозор иқтисодиётига ўтиш талабларидан бири ҳисобланади. Шахсий ёрдамчи хўжаликда деҳқон бирмунча тез ва самарали иш олиб боради. Кўпгина жойларда улар йилига икки-уч марта ҳосил олишади. Шу боис бундай тармоқни кенгайтириш хўжалик юритишнинг янги шаклларига ўтишга хизмат қилади. Негаки, бу шароитда киши агротехникани, маҳсулотларни сақлашни ва қайта ишлашни, тижорат ишларини, умуман тежамли хўжалик юритишни ўрганишга тўғри келади.

Эсингизда бўлса, республика Президентининг фармони билан қишлоқ оилаларига амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларининг иттифоқи тузилди ва оилавий хўжаликлар иқтисодиётини мустаҳкамлаш ниятида республика давлат бюджетидан ўтган йили марказлашган тартибда бир миллиард сўм ёрдам пули ажратилди.

Фикримизча, бу жараённи янада чуқурлаштириб бориш, ёрдамчи хўжаликлар учун кенг имкониятлар яратиш лозим. Зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли хўжаликларни биринчи навбатда тарқатиб юбориш, уларнинг ерлари ва молмулклари асосида (фермер) хўжаликлар ташкил этган маъқул. Деҳқон (фермер) хўжаликларининг давлат билан ўзаро муносабатлари фақат шартномалар ва солиқ тизилмаси нечизида амалга оширилади. Бу борада Ўзбекистон Президентининг деҳқон (фермер) хўжаликларини мустаҳкамлаш ва ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги фармони бениҳоя муҳим роль ўйнайди.

Шу ўринда таъкидлаш керак: бозор муносабатларига ўтишда ва ўтгандан сўнг барча муаммолар барҳам топади, деб ўйлаш хато бўлади. Тўғри, дастлабки пайтда анча оғир кечиши мумкин. Чунки янги иқтисодий тузумни тезроқ эгаллашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун эса юқори малакали тажрибали мутахассисларни тарбиялаб вояга етказиш зарур бўлади.

Энди шахсий ва деҳқон хўжаликларига ерни ижарага бериш масаласига келсак, буни танлов асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки давлат ҳам, жамоа ёки давлат хўжалиги ҳам ер ҳақиқий меҳнаткаш қўлига тушганига ишонч ҳосил қилиши керак. Ижара ҳақи шартнома асосида камида ўн йилга мўлжаллаб белгиланиши лозим. Шартномавий ҳақ ёки маҳсулотга солиқ миқдори ернинг унумдорлиги, жойлашиш ўрни ҳамда бошқа шароитлар ҳисобга олинган ҳолда талаб ва таклиф асосида шакллантирилади. Унинг йиллигини тўлиқ пул билан ёхуд ярмигача қисмини натура (маҳсулот) ҳолида тўлаш мумкин. Муҳими, хўжалик ёки давлат билан ҳисоб-китоб қилингандан сўнг деҳқонга маҳсулотни сотиш учун эркинлик берилади.

**Абдухалил МЎМИНОВ.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасининг бўлим бошлиғи.**

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

**Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг учинчи пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Н. Шокиров Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Лойиҳа муҳокамасида бутун андижонликлар фаол қатнашганликлари алоҳида таъкидлаб ўтилди.**

Ўзбекистон ХДП Пахтаобод район кенгашининг биринчи котиби Х. Саидов, Андижон район кенгашининг биринчи котиби Ў. Қосимов, Балиқчи район кенгашининг иккинчи котиби Р. Қодиров ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини айтдилар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қиргизоев, Андижон вилоят ҳокими Қ. Холмирзаев нутқ сўзладилар.

Шундан кейин пленум қатнашчилари иккинчи масалани муҳокама қилишга киришдилар. Республика Президенти И. Каримовнинг Ш. Рашидовнинг Жиззахда ўтказилган юбилейида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан белгиланган тадбирлар ҳақида ХДП вилоят кенгашининг котиби Р. Мухторов маъруза қилди.

**А. ҚУРОНБОЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## • Янги нашрлар •

**Яқинда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон тарихи ва маданияти» (маърузалар тўплами) муаллифларини фидойилардан десак муболаға бўлмас. Чунки Ўзбекистоннинг давлат сифатида мустақиллигини таъминлашда, ёш авлодни ватанпарвар қилиб тарбиялашда она-Ватан тарихини ўрганишнинг ўрни беқиёслигини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ.**

# БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧ

Тарих фанлари номзоди, доцент Шоди Каримов раҳбарлиги ва таҳрири остида бир гуруҳ муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган мазкур қўлланма ниҳоятда долзарб пайтда эълон қилинди. Тўғри, сўнгги йилларда Ўзбекистон халқлари тарихига оид бир нечта китоблар чоп этилди. Булар тарихнинг оқ доғларини тўғри ёритишда муҳим қадам бўлди. Аммо бу китобларнинг ҳаммаси фақат ибтидоий жамоа тузумидан то Ўрта Осиёни чор Россияси томонидан босиб олишгача бўлган даврни ўз ичига олади, холос. «Ўзбекистон тарихи ва маданияти» қўлланмасини эса бутун даврни бошдан-охиригача ўз ичига қамраб олганлиги ҳамда китобда кейинги воқеалар бўямасдан, объектив равишда баҳоланганлиги билан ажралиб туради. Шу маънода бу қўлланма фақат олий ўқув юртлари талабалари учунгина эмас, балки мактаб ўқувчилари, ҳатто кенг жамоатчилик учун ҳам ғоятда қимматлидир.

Ҳар қандай тарихий дарслик ва қўлланманинг қимматини даврлар бўлинишига қараб баҳоласа бўлади. Шу пайтгача ёзилган дарсликлар даврларига марксизм-ленинизм асосчиларининг асарлари, КПСС съездлари, конференция ва пленумларининг қарорлари асос қилиб олинган. Бу ўзига хос субъектив ва нообъектив даврий белгилашларга асос бўлиб хизмат қилди. Оқибатда тарих фани фан сифатида ўз объективлигини йўқотди. «Ўзбекистон тарихи ва маданияти» муаллифлари тарихий даврларни белгилашда ана шундай субъектларга ёндошишга чек қўйганлар ва тарихий воқеалар асосида ёндошганлар. Улар Ўзбекистон тарихини асосан олтита катта даврга бўлганлар.

1). Ўзбекистон ҳудудида ибтидоий жамоа тузуми.
2) Қулдорлик тузуми.
3) Феодал тузуми.
4) Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудининг чор Россияси томонидан босиб олиниши.
5) Ўзбекистон 1917 йил февраль-буржуа демократик ва Октябрь инқилоблари даврида ҳамда 6) Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида.

Қўлланманинг яна бир эътиборли жойи шундаки, ҳар бир мавзу кичик-кичик қисмларга бўлинган, ҳар бир мавзу бўйича фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар илова қилинган. Муаллифлар кўп минг йиллик она тарихимизнинг ҳар бир даврини ҳеч қандай қўшимчаларсиз ёритишга ҳаракат қилганлар.

Мактабларда Россия тарихи, жаҳон халқлари тарихи, қадимги дунё, Ўрта асрлар янги ва энг янги тарихлар ўқитилди. Аммо Ўзбекистон тарихи деярли ўқитилмади. Қўлланмада Ватан, миллат тақдирига бефарқлик Ватанга, миллатга, хиёнатдир, деб чиқарилган хулосага қўшилмаслик мумкин эмас. Шу пайтга қадар мансаб, унвон ва лавозим гадолари кўрабила туриб она тарихимизни қора бўёқларда сохтакорлик билан ёритиб келдилар.

Биз «Ўзбекистон тарихи ва маданияти» қўлланмасини бенуқсон, бекаму-кўст, камчиликлардан холи деган фикрдан йироқмиз. Муаллифларнинг ўзлари ҳам бу нарсани онгли тушунган ҳолда «...қўлланмада мунозарали муаммолар, ноаниқ фикр-хулосалар, баъзи тарихий воқеа ва ҳодисалар бир томонлама субъектив нуқтаи назардан ёритилган, у ёки бу тарихий воқеалар муштарийларнинг диллари ва истаклари даражасида баён қилинмаган бўлиши табиийдир», деб таъкидлаганлар.

Шунга қарамай бизнингча бу камчилик ва нуқсонлар маърузалар учун ажратилган ўқув соатининг чекланганлиги (бор йўғи 36 соат холос) билан ҳам боғлиқдир. Шунга қарамай биринчи қалдирғоч сифатида «Ўзбекистон тарихи ва маданияти»нинг матбуот юзини кўришини ўзбек миллати маънавий ҳаётида рўй берган ижобий ҳодисалардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

**У. АМИРОВ,**
**Қ. ЭРНАЗАРОВ,**
**Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти Ўзбекистон халқлари тарихи кафедраси доцентлари.**

## • Баҳовуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига

# ҲАЗРАТ ХОТИРАСИГА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси кўплаб фуқаролар, уламолар ва Моровроуннаҳр мусулмонлари идорасининг таклифларини инобатга олиб, келгуси йилда Шарқ халқлари тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшган аллома Баҳовуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилганди.**

**Қарорда Бухоро вилояти ҳокимлигига Бухоро шаҳрида ва Қасри Орифон қишлоғида унинг номини абадийлаштириш тадбирларини кўриш вазифасини юклатилган.**

**Газета мухбири Нусратилла НАИМОВ вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Р. РАҲМОНОВ билан бу вазифани амалга ошириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар тўғрисида суҳбат қуришди.**

**— Мавлон Раҳимович, Шарқ мамлакатларида миллионлаб издошлари бўлган Баҳовуддин Нақшбандий Бухоро халқининг фахрифтихоридир. Вилоятда унинг номини абадийлаштириш юзасидан қандай тадбирлар кўрилмоқда?**

— Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори ҳазрат туғилган Қасри Орифон қишлоғида катта қурилиш, ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишга катта туртки бўлди.

Ҳозир Баҳовуддин Нақшбандий мақбараси меъморлик ансамбли таркибига кирадиган хонақо, мадраса, эркаклар ва аёллар масжидлари, шоҳлар дахмаси ва бошқа ёдгорликларни таъмирлаш ишлари авж олдириб юборилди. Вилоятдаги ўнлаб меҳнат жамоалари бу хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшиш истагини билдиришди.

Айни маҳалда «Меъмор» бирлашмасининг Бухородаги устахонаси, «Кўкалдош», «Усто» кооперативлари, «Узинтерстрой» фирмаси меъморлари таъмирлаш ишларини юксак сифат ва суръат билан амалга оширишмоқда.

Мақбара ансамбли атрофини ободонлаштириш тадбирларига алоҳида эътибор беряпмиз. Музей ва маъмурий бинонинг ташқи кўринишини пардозлаш, савдо расталари, таҳоратхоналар, меҳмонхона ва бошқа бинолар қурилиши давом этяпти. Зиёратчиларга хизмат кўрсатиш учун барпо қилинган савдо маркази фойдаланишга топширилди. Бухородан Қасри Орифон қишлоғигача йўлни кенгайтириш, автобус бекатлари қуриш, ирригация, канализация иншоотлари яратиш, табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси тармоғини вужудга келтириш тадбирлари муваффақиятли олиб бориляпти.

Вилоятдаги колхозлар қурилиши, деҳқончилик саноати қурилиши, ирригация қурилиши трестлари, Бухоро гўшт комбинати, бошқа ўнлаб саноат ва қурилиш ташкилотлари, меҳнат жамоалари бу савоб ишларга бош-қош бўлмоқдалар.

Юбилей тантаналаригача Қасри Орифон қишлоғи ва ундаги муқаддас мақбара меъморий ансамбли таниб бўлмас даражада яшнабяшариши шубҳасиздир.

**— Юбилей тантаналарига тайёргарлик юзасидан қандай чора-тадбирлар кўриляпти?**

— Бу соҳада ҳам пухта ҳозирлик кўраяпмиз. Шу мақсадда тарғибот-ташвиқот, илмий изланишлар олиб бориш, нашриётчилик фаолиятининг кенг мундарижаси белгиланган.

Чунончи «Навқирон Бухоро» гуманитар тадқиқотлар маркази олимлар ёрдамида Абдурраҳмон Жомийнинг «Нафосат—ул-ун», Ас-Сафининг «Рашахот Айн ул ҳаёт», Муҳаммад Бокирнинг «Мақомоти Хожа Баҳовуддин», Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи Қутсия», Салоҳиддин Муборакнинг «Анис ут-толибин» сингари ҳозиргача ўзбек китобхонига мутлақо таниш бўлмаган асарларидан парчаларни чоп этиш, «Нақшбандийнинг ҳаёти ва ижоди» илмий тўпламини тайёрлаш ниятимиз бор.

Бухорои Шарифдаги Нақшбандия тариқатининг мақбуйиҳлари — Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Моҳитобон Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фарнавий, Хожа Али Ромитанний, Хожа Бобойи Муҳаммад Самосий, Ҳазрати Мир Кулол қадамжолари, мозористонлари тарихини илмий ўрганиш мақсадида ижодий экспедициялар ташкил қилиш ниятимиз бор.

Бухоро давлат университетида исломшунослик бўлимини ташкил этиш, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Бухородаги олий таълимгоҳлар олимлари иштирокида нақшбандия фалсафаси ва унинг оламшумул аҳамияти мавзуида илмий анжуман ўтказиш, Бухоро давлат музей қўриқхонасида ҳазратнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб илмий экспозиция уюштириш, «Ўзбектелефильм» студияси билан ҳамкорликда Баҳовуддин Нақшбандий ҳаётига бағишлаб илмий-оммабоп фильмни суратга олиш каби хайрли ниятларни кўнглимизга тугиб қўйганмиз.

**— Бу савобли орзу-умидларнинг ушалиши учун куч-қувват тилаймиз.**

**Нусратилла НАИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# 2. УРГУТ— ЭРТАКЛАРДАГИ ШАҲАР

• *Бир йилда иккита ғишт заводи ишга тушди!*

• *Бозор қурилишига~ 3.000.000. сўм!*

• *Ургут бозори~жаҳон бозори!*

• *Ободончилик объектлари учун~ 20.000.000 сўм!*





(Давоми. Боши биринчи бетда).

ҳайратсиз қарай олмайди. Осмонўпар уйлар эмас, шарқона дарвозалар нигоҳимизни беихтиёр ўзига тортади. Дарвозалар қошида ўйга толиб, ҳайратланишимиз ана шундан.

Шаҳар дарвозалари-чи? Шарқда шаҳарлар ҳеч қачон бедарвоза қурилган эмас. «Шаҳар — бедарвоза эмас» деган гап ҳам шарқда туғилган бўлса керак. Дарвозалар — шаҳарнинг ҳаёт томирлари ҳисобланиб келган. Ундан тонг маҳали кириб келган қатор-қатор карвонлар кундалик турмуш меъзонини белгилаб берган. Улар эрта тонгда очилган ва қош қорайгач шаҳар аҳлига осуда ором тилаб шаҳар дарвозалари беркилган.

Ургут дарвозаси қошида унинг нақшинкор кошинларига термулиб ана шулар хаёлга келади. Ургут дарвозасининг қурилганига ҳали кўп бўлганича йўқ. У бизнинг мустақиллигимиз тенгдоши. Энди Фарғона дарвозаси қурилмоқда. Эзгу ишларнинг қанот чиқариб учгани яхши. Шарқнинг буюк шаҳри — Тошкентнинг тарихий 12 дарвозаси ҳам тикланса ажаб эмас. Ҳозирча уларнинг 12 олтин калити музейимизда турибди.

Ургут дарвозаси қошида тўхтаб ўтмаган сайёҳ йўқ. Бунда карвонлар бир зум ҳаракатдан тўхтаб, дарвозалар пештоқига термулиб қолишади. Келин-куёвлар бу ерга гул кўтариб келишади. Бунда уларга орзу-умидлар ва бахт дарвозаси эшик очгандек бўлади. Бу дарвозалар ёш келин-куёвга яхши фарзандлар тилаб, катта ҳаётга узатгандек ланг очиқ. Оқ момиқдек ғиштлар марварид маржонлардек товланиб турибди. Қадимий ва азалий ҳунарманд Ургутнинг машҳур усталари бу ерга ғиштин дарвоза эмас, Ургут қалбини қўндириб қўйишгандек..

Дарвоза олдида ер қаъридан отилиб чиқаётган чашма кумуш тусда товланади. Ҳовучлаб ичасиз. Майин обизамзам сизга бир олам руҳ ва қувват бағишлагандек бўлади. Кейин равон кўчадан йўлга тушасиз. Бу Ургутнинг Алишер Навоий номидаги шоҳ кўчаси. Худди ана шу дарвоза олдидан тоғ этагидаги Тўпхона тепалиги полвон елкасидек салобатли кўринади. Бунда наврўз сайли юз минглаб одамларни бағрига чорлайди. Унда юз хил ўйин томошалар бўлади. Ургутнинг манаман деган полвонлари бел олишадилар. Қийқириқли ўйинларда Зарафшон тоғларининг салобати, табиат гўзаллиги, одамларнинг ранго-ранг ясан-тусани камалак жилвасидек товланади. Катта шодиёна бутун Зарафшон тоғларининг этаклари бўйлаб наъра тортгандек туюлади.

Биз ўтиб борган шаҳар дарвозаси бу гўшада бунёд бўлаётган минглаб иншоотлар, ҳусусий уйлар ва кошоналарнинг бири Қадимий шаҳар миллий-меъморчилик услубидаги қурилишлар овозаси бутун республикамиз бўйлаб таралмоқда. Ана шу қурилиш жараёнларини кўриш, қўли гул усталарнинг қўлини олиб, бу масканнинг сувидан ичиш мақсадида бир кунлик сафар қилдик.

Районда йил бўйи далада тер тўккан жафокаш меҳнаткаш мустақиллик шарофати туфайли қаддини навқирон кўтармоқда.

Шаҳарда ва қишлоқларда кўзни қувонтирадиган икки қаватли ҳашаматли уйлар, масжидлар, болалар масканлари, мактаблар, қатор-қатор дўконлар, чойхоналар, бозор жадал қуриляпти. Район ва айниқса унинг маркази бўлган шаҳар бунёдкорлик кўлами жиҳатидан Тошкентнинг 1966 йилги қурилиши манзарасини эслатади. Ҳар бир кўчада, ҳар бир муюлишда албатта бирор янги бино қад ростлаган, ёки қурилаётган ёҳуд пойдеворида иш бошланган бўлади.

**Ш У йилнинг 7 май куни Ургутда ҳурматли меҳмон келди. Район ва шаҳар аҳолиси мустақил Ўзбекистон Республикасининг тўнғич Президенти Ислом Каримовни қучоқ очиб кутиб олди.**

Мамлакат раҳбари шаҳар ҳаётини синчиклаб ва завқ билан ўрганди. У киши янги қурилиш майдонларидаги ғайрат-шижоатдан кўп мамнун бўлди. Миллий меъморчилик услубида гўзал қурилаётган бозорлар, дўконлар, устахоналар, хусусий уйларда қурилиш ишларининг қизғин палласида бўлди, уларда соҳиблар ва усталар билан самимий суҳбатлашди.

Президентнинг сафари чоғида ўша эиёратгоҳ — Бош дарвоза олдида меҳнаткашлар билан бир пиёла чой устида бўлган суҳбатда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг одимлари, диёримизда аввало тинчлик ва осойишталик, қолаверса иқтисодий эркин тараққиёт, фаровонлик ҳақида гап борди. Бу учрашувдан ғоят мамнун бўлган халқ юрт отасининг шарафига дуолар ўқиди.

— Президентимизнинг муборак қадамлари Ургутимизга етган экан, назари диёримизга тушган экан, биз фахр ва ғурур билан яшашга ҳақлимиз — дейди район ҳокими Ўлмас Маҳамадмуротов. — Биз учун тарихий бўлган бу учрашув халқимизга жуда катта куч-ғайрат ато этади. Ҳаётнинг турли соҳаларида амалга ошираётган ишларимиз бўйича етук имтиҳондан ўтдик. У киши қишлоқ хўжалиги, саноат ва қурилишда ишларимиз билан яқиндан танишдилар, қимматли маслаҳатлар бердилар. Айниқса болалар масканлари, шифохоналар, мактаблар, кутубхоналар биноларини бунёд этилишига катта эътибор беришимиз лозимлигини алоҳида уқтирдилар.

Бу учрашувнинг Ургут аҳолиси учун зарур бўлган яна бир муҳим аҳамиятли жиҳати бор. Район қардош Тожикистон билан чегарадош. Ўз вақтида қўрилган тадбирлар, тушунтириш ишлари содир бўлиши мумкин бўлган аянчли кунларнинг олдини олди. Ислом Каримовнинг бу сафари ана шу маънода вақт ғаниматлигида қўйилган донишмандлик қадами бўлди.

Ургут халқи бу учрашувда ҳаётий бир қатор саволларга Президентдан қаноатланарли жавоблар олди. Одамларнинг кўнгли янада ёришди.

Ургут шаҳри қиёфаси йил эмас, ой сайин, кун сайин чирой очмоқда. Халқнинг ўзи хайрия тариқасида йиғган маблағи ва уюштирган ҳашари натижасида бир йўла иккита замонавий болалар боғчасини бунёд этди. Бу икки бино ўзининг ташқи кўриниши ва меъморчилик услубидаги безаклари билан театр кошоналаридан қолишмайди. Биноларнинг ичида мурғаклар тарбияси учун ҳамма нарса муҳайё этилган.

Ургутнинг марказидаги катта бозор яқиндагина қайта таъмирлашдан чиқарилди. Биргина шу ишга 3 миллион сўм маблағ сарфланди. Унда қатор-қатор ғиштин биноли дўконлар ва

(Давоми тўртинчи бетда).

**• Ургут Зарафшон тоғ тизмаларининг давоми бўлган Чақиликалон ва Қоратепа тоғларининг ёнбағирларида, денгиз сатҳидан 2 минг метр баландликда жойлашган. Шарқий, жанубий ва ғарбий қисмлари адирлар ва қирлар билан қопланган. Бир қанча сойликлари бор. Тоғ ёнбағирлари сланец ва оҳактош қояларидан иборат. Дарёлари шўх оқади. Тахтақорача довонидан Тошкент — Термиз автомобиль йўли ўтади. Бу масканда мармар, оҳактош, марганец, мис, вольфрам ва бошқа қазилмалар ҳам бор. Иқлими кескин. Июлда 50 даражагача исийди. Январда эса 1,5 даражада совуқ. Баҳорда йиллик ёғиннинг қарийб ярми бўлиб ўтади. Йиллик ёғин 500 м.**

**• СУРАТЛАРДА: 1. Янги бозор қурилишида. 2. Уста пичоқчи Жалол Облоқуловнинг қўлидан чиққан миллий буюмлар жаҳон кўргазмаларигача етиб борган ва тақдирланган. 3. Янги бозор йўлидаги танишув. 4. Районда янги иншоотлар ўзига хос услубда қурилмоқда. 5. Ғишт терувчи уста Ш. Эшбоев ўз ғайрати билан бозор қурилишида бошқаларга ибрат кўрсатмоқда. 6. Шаҳар маркази.**



*• Ургут довруғини таратган усталар.*
*• Ўзбек зурриётини кўпайтираётган ургутлик оналар омон бўлсин!*
*• Ургут ҳокимининг шиорлари: «Маслаҳатли тўй–тарқамас»! «Қурган қолади!», «Қурганни–Амир Темур руҳи қўллайди...»*

● Усимлик оламида қайрағоч, тол, қарағай, тоғ заранги, писта, арча, аччиқ бодом, дўлана, наъматак, ровоч, тоғ пиёзи, зира ва бошқа табобат олами намуналари билан бой.

● Ҳайвонот оламида бўри, тўнғиз, қуён, тулки, жайрон, илонлар, эчкиэмар, каклик, майна, бедана, булбул, қизилиштон кўп учрайди.

● Рус саёҳатчиларининг асарларида қайд этилишича, 1871 йилда Ургутда 138 та қишлоқ, 5552 та хонадон бўлган. Районда 91 тегирмон, 15 обжувоз ишлаган. 1875 йилда пахтанинг амиркон нави экила бошлаган. 1868 йилда чор Россияси армияси Ургутни эгаллаган. Шундан кейин диёрни бошқаришдаги қадимий бекликлар парчаланган. Бекликлар билан бирга Ургут тарихи ҳам парчаланган. Мустақиллик шамолини биринчи бўлиб Ургут дарвозаси қарши олди...



# 3. УРГУТ — ЭРТАКЛАРДАГИ ШАҲАР

(Охири. Боши биринчи ва учинчи бетларда).

устахоналарда уззу-кун ҳаёт қайнайди. Пештахталар тўкин-сочин. Нарх-наво бошқа шаҳарлардагидан анча арзон. Бу ерда яна иккинчи катта бозор ҳам тез бунёд бўляпти. Унда қурилиш бошланганига бир ой бўлгани йўқ. Лекин жуда кўп дўконлар иш бошлашга тайёр. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар якшанба куни бу бозорда Бухоро ва Панжикентдан ўн минглаб харидор ва сотувчилар тўпланади.

Шу йил район ҳокимига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилганлигини эшитдик. Бу районда икки йил ичида бунёдкорлик борасида эришилган салмоқли ютуқлар самарасидир, албатта.

Ўтган йили район бўйича 1 миллиард тўрт юз миллион сўмлик даромад олинди. Биргина қишлоқ хўжалигининг ўзидан 1 миллиард 150 миллион 693 минг сўм даромад кўрилди. Бу йил эса ялпи даромад 7,5 миллиард сўмдан ортиши кутилмоқда. Қишлоқ хўжалигида қатнашаётган ҳар бир кишининг ўртача ойлик меҳнат ҳақи 5683 сўм атрофида.

**Ургут шаҳри чинакам эртакларда битилган шаҳарларнинг ёрқин андозасидир. Кейинги икки йил ичида талай иш бажарилди.**

Шу йилнинг ўзида ҳар бири 10 миллион дона пишиқ ғишт тайёрлайдиган 2 та ғишт заводлари ишга туширилди. Иккинчи асфальт заводи қора «маслаҳати»ни бера бошлади. Сут-қатиқ заводи, қандолатчилик цехлари, кўплаб ошхоналар, чойхоналар, савдо дўконлари, меҳмонхоналар, шифохоналар, ҳаммомлар қурилди.

Шаҳар ҳудудида 20 миллион сўмлик ободончилик ишлари бажарилди. Ота-боболаримизнинг касб-корларини эъзозлаб келаётган устолардан ака-ука Неъмат, Жаббор, Саттор ва Улаш Жабборовлар, Одил, Абдурайим, Бўрон Нурмаҳмадовлар, Аслам, Ҳайдар, Асқар, Ҳазрат Холмаҳмадовлар сингари етук усталар ва уларга эргашган минглаб шогирдлар ўзларининг маҳорати билан Ургут меъморчилигига бутунлай янгича нафас бахш этмоқдалар.

Район ҳокимлиги қурилиш ишларини халқ билан маслаҳатни бир жойга қўйган ҳолда олиб боряпти. Бу ишлар биринчи навбатда элга танилган, халқ ҳурматини қозонган дарғалар қўлига топширилган. Шулардан бири икки кам саксон ёшли отахон Ўроқ Мирзаев бўладилар. У кишини бутун район танийди ва ҳурмат қилади. Табаррук ёшда бўлишларига қарамай, барча қурилиш майдонлари бўйлаб елиб югурадилар. Ўроқ ота билан суҳбатлашганимизда бунёдкорлик кўлами бунчалик кенглигининг илдизига етгандек бўлдик:

— Биласизми укам, илгари раҳбар идоралар ва бошлиқлар кўп эди, — дедилар Ўроқ ота. — Ҳаммаси ишни бир-бирига ташлаб қўяр эди. Ўзбекистон ҳукумати шаҳар ва район раҳбарлигини бирлаштириб, яхлит ҳокимлик вужудга келтирганида катта ҳикмат бор экан. Раҳбарлик бир кишининг қўлига ўтди-ю, масъулият ҳам ошди. Бунинг устига район ҳокими лавозимига тайинланган одам серғайрат, абжир, дадил ва доно бўлса, аҳолининг омади юришгани экан. Ўзимиздан чиққан Ўлмас укам ана шунақа йигит. Уч-тўрт йил олдин одамлар уй қуриш учун на жой оларди ва на деҳқончилик учун томорқа. Аҳоли кўп ва зич, ҳаммага бир парча ер керак. Ҳоким Президентимиз маслаҳатидан келиб чиқиб, ишни аҳолига ер беришдан бошлади: 2 минг гектар ер ажратилди. Кўриб турибсизки, шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам қурилиш бодроқдек бодраяпти. Энг муҳими халқнинг дуосига қоляпмиз.

Қурилиш ишларида сардорлик қилаётган иккинчи отахон Жамол Шаропов эса 72 ёшда.

— Районимизда аҳоли сони тез кўпайиб боряпти, — дейди Жамол ота. — Бизда бола кўп туғилади. Демак нима кўп — бешик тўйи кўп. Ҳар бир хонадон бир этак жўжабирдек кон. Ҳаммасига уй керак. Ўзингиз биласиз, миллий урф-одатларимиз тор жойни ёқтирмайди. Ўзбекнинг ўзи беглиги ҳам шунда-да... Мен сенга айтсам, ука инсон учун қулай уй-жой қуришда ҳикмат кўп. Қадимда табобат олимлари ва буюк ҳакимлар бемор кишиларни нақшинкор, ўймакор безакланган хоналарда парваришлашни маслаҳат беришган. Бунинг устига палаклар, сўзаналар, гиламлар ўз жилоси билан кексаларга ҳам, беморларга ҳам, умуман соғ одамларга ҳам таскинлик берган, кайфиятни яхшилашга хизмат қилган. Санъат сеҳри хонадонда шарқона вазминлик, одоб-андиша, хаё, одоб фазилатлари шаклланишига кўмаклашган. Ҳозир Ургутда ҳамма-ҳамма шарқона санъатни тиклашга бел боғлаган. Бу ўзбек халқининг тикланаётган ғурури ва ифтиҳори эмасми?!

**Отахонларнинг сўзларини тинглаб, шаҳар кезиб юрганимизда диёримизга хос ва биз илғамаган кўплаб воқеликнинг ҳам шоҳиди бўлдик.**

Ўзимизча пайқаган бу ҳусн — ҳар қадамда учрайдиган оғир оёқли ҳомиладор келинлар бўлди. Суриштирсак, ҳар йили бу масканда 20 минг янги меҳмон дунёга келар экан. Район аҳолиси жон бошига ҳисоблаганда бу рақам Ўзбекистонда эмас, балки собиқ Иттифоқда энг юқори. «Ўзбекистон тарихи»нинг II жилдида Ургутда 13.879 киши яшаган деган рақам келтирилган. Ҳозирда бу рақам 300 минг кишига яқинлашиб бормоқда. Ургутда идоралар бўш қолиши мумкин, лекин туғруқхоналар ҳеч қачон бўш турмайди, деб ҳазил ҳам қилишди...

**Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**Абдулла ПЎЛАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.**

● СУРАТЛАРДА: 1. Ургут дарвозасидан келинкуёвлар қадами узилмайди. 2. Шаҳарнинг Мустақиллик майдони ҳамиша файзли. 3. Ургут куранти. 4. Шаҳардаги 1-болалар боғчаси хайрия ҳисобига қурилган. 5. Эркатойлар қувончи бир олам.

Суратларни махсус мухбиримиз Владимир МОЛГАЧЕВ олган.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги қошидаги хўжалик ҳисобидаги «Интералоқа» республика бирлашмаси**

1992 йил 4—7 декабрь кунлари соат 10.00 да Тошкент шаҳар Амир Темур кўчаси 107-уйда жойлашган УЗЭКСПОЦЕНТР (ВДНХ) кинолекторийсида ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ ДЭУ КОМПАНИЯСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЕНГИЛ ВА МУЪЖАЗ ЮК АВТОМОБИЛЛАРИНИНГ ҚИМ ОШДИ САВДОСИ ОЛДИДАН КУРГАЗМАСИ УТКАЗИЛИШИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Ташкилий қўмита манзилгоҳи: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов райони, Себзор даҳаси, 1-уй.

Маълумот учун телефонлар: 40-50-02, 40-19-26, 40-37-77.

Ташкилий қўмитанинг иш вақти ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача.


## КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ЖАМОЛ КАМОЛ ИЖОДХОНАСИДА.

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.

● «БОЛА ЎҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)

● «КАТТАЧИЛИК ҚУРСИН» (ФЕЛЬЕТОН).

# ТАНБЕҲ

ШАТРАНЖ ОЛАМИДАГИ ГАПЛАР • МУҲАССАДДИ • FIDE • МАМАЖОН МУҲИДДИНОВ

Бу воқеага 50 йил бўлибди. Тим-расталарга ўхшатиб солинган чойхона ҳар вақтдагидек гавжум. Пастда столлардан ясалган тўртбурчак. Ичида эса гоҳ соқолини қашлаб, гоҳ рўмолчаси билан кўзларини артиб, бир киши гирдикапалак бўлиб юрибди: қўли-ю оғзи тинмайди. Чўғдек гиламлару атлас кўрпачалар тўшалган икки супачада чордана қуриб чойхўрлик қилаётганлар ҳам уни зимдан кузатишади.

— Тошбақа тухумига тикилгандек ўтираверасизми? —деган овоз чиқди ўртадан. Кулги кўтарилди. Суриштирсам устозимиз Аълам почча эканлар. У киши 20—25 шахмат тахтасида бир йўла сеанс берарди. Ўтирганларнинг ёши ҳам, кексароғи ҳам бор. Хонаси келганда ҳар қайсисига монанд юришлар қилиб, қизиқ-қизиқ сўзлар, шеърлар айтарди сеансчи.

— Шунча одамга «дарс айтаётган» бу чолнинг мияси айниб кетмаганига ҳайронман, — деди ёнимда ўтирган йигит. — Боз устига гапини ҳам бермайди-я.

Аълам тахталарнинг бирига келганда узоқроқ тўхтаб, шашти қайтгандек бўлди:

— Бўлинг, ўғлим, юринг, ишим қистовроқ, — деди-ю, мийиғида кулиб, атрофга қараб қўйди. Унинг рўпарасида ўтирган ўйинчи ҳали бир хулосага келолмаган бўлса керак, бош қашлаб нима қиларини билмасди. Сеансчи йигитнинг олдидан кетмай, туриб олди. Кейиҳ билсам, Аъламнинг қўли пастроқ бўлгани учун ўйинчига «пўписа» қилаётган экан. Одатда ўйинни бошқараётган киши баъзан ана шунақа йўл тутиб, аҳволини тузатиб олишга ҳаракат қилади.

Йигит юриш қилолмай, питирлаб қолди. Шунда Аълам:

— Шошиб қолди, тандирчидек акам, лойига жун ишлаб—деди-ю, кафтларини ишқай кетди.

Бу киши бутун Фарғона водийсида машҳур шахмат ташкилотчиси Мирсоли Шокиров бўлиб, уни одатда «мот аълам», «қизил аълам» деб ҳам алқашарди. Аълам бор жойда шахмат, кулги аримасди.

**Танловнинг 9 — 12 топшириқлари.**

5 юришда мот. Тўғри жавоб учун 4 та очко.





7 юришда мот (4 очко).



Ҳар иккисида оқлар бошлаб ютади. (4 тадан очко).

## ҲАРБИЙЛАР ТЕРМИЗ ШАҲРИДА ТОЖИКИСТОНДА ТИНЧЛИК ЎРНАТИШ МУАММОЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШДИ

Термизда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Россия ҳарбий маҳкамалари раҳбарларининг Тожикистонга тинчлик ўрнатувчи кучларни киритишга бағишланган учрашуви бўлди. Хўжанда ўз ишини тугатган Тожикистон парламенти мустақил республикалар раҳбариятига мурожаат қилиб шундай таклифни киритган эди. Кенгашга мустақил давлатлар ҳамдўстлиги бирлашган қуролли кучларининг Бош қўмондони авиация маршали Е. Шапошников келди.

— Қўшни республикада аҳволни барқарорлаштириш учун шошилинч чоралар кўриш зарур, дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири генерал-лейтенант Р. Аҳмедов. — Тинчлик ўрнатувчи кучларни киритиш вужудга келган аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир йўлидир. Бу кучлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўшинлари каби ҳаракат қилади. Лекин бунинг учун қийин муаммони ҳал қилиш: бир-бирига қарши курашаётган томонлар ўртасидаги уруш ҳаракатларини бутунлай тўхтатиш зарур.

Ҳарбийларнинг фикрича тинчлик ўрнатувчи кучлар барча манфаатдор республикалар вакилларидан иборат бўлиши керак. Россия Тожикистонда жойлашган 201-дивизия билан қатнашади, дивизия командири генерал-майор М. Ашуров ҳам Душанбедан бу ерга кенгашга келган. Ўзбекистон тез ҳаракат қиладиган бир полкни юборса керак. Бу полк таркибига десант ва бронетанк бўлинмалари, авиация киради. Қозоғистон билан Қирғизистон тинчлик ўрнатувчи кучлардан иборат биттадан батальон юбормоқчи.

— Республика аҳолисининг аксарият кўпчилиги тинчликни орзу қилмоқда, хунрезлик тезроқ тўхташини кутмоқда, — деди МДҲ Бирлашган қуролли кучлари бош қўмондонининг ўринбосари, Тожикистон Республикаси халқ ноиби генерал-майор Ф. Ниёзов. — Ҳеч нарса тинчлик ўрнатувчи кучларнинг ўрнини боса олмаслиги ҳозир соғлом фикрловчи ҳар бир кишига маълум.

Термиздаги учрашувга Мустақил Республикалар ҳарбий маҳкамаларининг раҳбарларидан ташқари Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг Раиси И. Раҳмонов, дўст давлатлардан дипломатлар қатнашдилар.

Кенгаш 30 ноябрь куни ўз ишини тугатди.

[ЎзА].

«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 4 декабрда чиқади.

Ўзбекистон овози

## ХАРЧИНОМА

Тошкентдаги 11-техника билим юрти томонидан 1983 йил 15 июлда ЕРЕМЕНКО Николай Николаевич номига берилган 293123 номерли диплом БЕКОР ҚИЛИНАДИ

### ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси партия Сирдарё вилояти Кенгашининг ишлар бошқарувчиси И. М. Аслоновга ўғли ИСЛОМЖОНнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Фалакшунослик институти жамоаси институт раҳбари муовини О. С. Турсуновга отаси Самад ТУРСУНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: З. ҲАЙДАРОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.30 Г—512. № 237. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.